

## Ал-Азкор / Ал-Азкор / 285-ҳадис

\* فعن أبي هريرة رضي الله عنه عن رسول الله صلى الله عليه وسلم: "من قرأ (يس) في يوم وليلة ابتغاء وجه الله غفر له".

285/16. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким бир кеча ва кундузда Аллоҳнинг розилигини талаб қилиб Ёсин сурасини ўқиса, унинг гуноҳлари кечиради»**, дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*

Бошқа бир ривоятда: **«Ким кечаси Духон сурасини ўқиса, гуноҳлари кечирилган ҳолда тонг оттиради»**, дейилган.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда эса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

**«Ким ҳар кеча Воқеъа сурасини ўқиса, унга камбағаллик етмайди»**, деб айтганларини эшитганман, деганлар.

Жобир розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Алиф, лам, мийм. Танзийлул китаб...» ва Таборак сураларини ўқимасдан ухламаганлари айтилган.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI

